

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 377.37.035.8.8

АКБАРОВА ШАХНОЗА ГАЙРАТОВНА

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ
ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ
(адабий таълим мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2012

Иш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида
бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳасанбаев Жалолиддин Йўлдошевич

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори
Халилова Шахноза Турғуновна

педагогика фанлари доктори, профессор
Исмоилова Зухра Қорабоевна

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси 2012 йил “_____” _____кунини соат _____да
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар
ҳимояси бўйича К.067.18.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш
йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100070. Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб
кўчаси, 103-уй, тел.: (99871) 254-92-02. факс: (99871) 215-54-18, e-mail: tgpu
info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100003, Тошкент
ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй).

Автореферат 2012 йил “_____” _____да тарқатилди

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Ш.С.Шарипов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон кўп миллатли давлатдир, шу сабабли унинг истиқбол тараққиёти унда яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзаро тинч-тотувлигига, миллатлараро ҳамжиҳатлиликнинг қарор топганлигига ҳам бевосита боғлиқ¹. Турли миллат ва элатларни бир-бирларига яқинлаштиришда, улар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғуларини қарор топтиришда толерантлик муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Толерантлик миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, уни янада юқори босқичларга кўтариш, турли миллатларнинг ўзаро ҳамкорликка эришишларида янгидан-янги қирраларни очиш каби ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутади.

Аҳоли, шунингдек, ёшларнинг толерантликка эга бўлишлари улар мансуб бўлган миллат ёки элатнинг ўзлигини намоён этиши учун қулай шароитни яратади.

Манбаларда “толерантлик” (лотин. *tolerantia* – чидам) тушунчасига “ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилик, бағрикенглик” дир² дея таъриф берилади. Демак, толерантлик ўзга миллат ёки элатларнинг турмуш-тарзига ҳурматда бўлиш; хулқ-атворлари, одатлари ҳамда ҳис-туйғуларининг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш; маълум ижтимоий воқеа-ҳодисалар юзасидан билдираётган фикр-мулоҳазаларини инобатга ола билиш; диний ва маънавий-ахлоқий эътиқодларига нисбатан ижобий муносабатни ифода этишдир. Бир сўз билан айтганда, муайян халқларни миллат сифатида тан олиш, уларнинг имкониятларини етарлича баҳолаш демакдир.

Сўнгги йилларда дунёнинг турли нуқталарида авж олаётган миллий-этник зиддиятлар, ҳарбий низоларнинг заминида, энг аввало, ўзга миллатларга паст назар билан қараш, айрим миллатларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини юқори даражада баҳолаш ва уларни “буюк миллат” дея эътироф этиш ҳаракатлари қайта юзага келмоқда. Бу эса миллий адоватларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. “Маълумотларга кўра, 2000 йилда 36 мамлакатда 40 та, 2001 йилда эса 30 мамлакатда 36 та ҳарбий низо содир бўлган. Уларнинг 27 таси, яъни, 75 фоизи бундан 10 йиллар олдин бошланган. Бу конфликтларнинг аксарияти бир мамлакат ҳудудида кечганини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг миллий, диний ёки ирқий асосларда келиб чиққан фуқаролик урушлари эканини англаб етиш мумкин. Бемалол айтиш мумкинки, Ер шарининг турли нуқталарида алангаланиб турган бундай низолар аксарият ҳолларда миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиёти ўртасидаги номувофиқликнинг натижасидир”³.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.77.

² Куронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Т.: Фан. 1995. – Б. 118.

³ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш /Ўқув қўлл. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б.136.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида толерантликни тарбиялаш, уларда бошқа миллатларга, уларнинг ютуқларига нафрат билан қарашнинг олдини олади, аксинча, ташвишларига шерик бўлиш, уларнинг дардини тушуна олишга имкон яратади. Шахс сифатида ҳам, миллат сифатида ҳам бир-бирини тушуна олиш жамиятнинг порлоқ истиқболини яратишга, унинг тараққиётини таъминлаш учун зарур шароит яратади. Янги турдаги таълим муассасаларида ташкил этилаётган таълим ва тарбия жараёнида ўспиринлар ўртасида толерантлик ғоясини кенг тарғиб этишга мақсадли ёндашиш таълим ҳамда маънавий-маърифий ишлар жараёнини изчил, узлуксиз ва тизимли ташкил этилишини кафолатлабгина қолмай, шу билан бирга, аниқ натижаларни қўлга киритиш имкониятини яратади. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этишда аниқ мақсадларни белгилаш ва уларни тўлақонли рўёбга чиқаришга эътибор қаратиш талаб этилади. Бу ўринда қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш кутилган натижаларни беради: 1) таълим жараёнида: ўқув фанлари имкониятлари, фанлараро алоқадорлик, таълимий ва тарбиявий фаолият интеграцияси; 2) синфдан ва мактабдан ташқари маънавий-маърифий ишлар жараёнида: халқаро тажриба ва миллий қадриятлар уйғунлиги, оила, таълим муассасалари ва ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик, оммавий ахборот воситаларининг роли.

Муаммони дастлабки ўрганиш касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш масаласининг педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди. Бу ҳолат тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро бирдамлик ва тотувликни таъминловчи маънавий-ахлоқий сифатлар қаторида толерантлик ўзига хос ўрин тутди. Толерантлик кўп миллатли давлат саналувчи Ўзбекистон Республикасида турли халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг имкониятларини мувофиқлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли толерантлик Республика тараққиётининг истиқбол йўналиши ва моҳиятини белгилаб берувчи миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган. З.Хусниддинов, О.Очилдиев, Қ.Назаров, А.Болиев, А.Норбоев, Н.Ҳакимоваларнинг ишларида толерантликнинг миллий истиқлол ғояси асосий тамойилларидан бир сифатидаги моҳияти, фуқароларнинг толерантлик сифатига эга бўлишларининг ижтимоий аҳамияти, ёшларда толерантликни шакллантиришнинг зарурияти ёритилган.

Аҳоли, шунингдек, ёшларнинг толерантлик сифатига эга бўлишлари миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, турли этник ва диний низоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Толерантликнинг миллатлараро муносабатларни самарали ташкил этиш, ўзаро тенглик, ижтимоий адолат ва ҳамкорликка асосланувчи миллий ва умуминсоний муносабатларни қарор топтиришдаги роли масалалари Э.Юсупов, Ж.Туленов, З.Ғофуров, Н.Жўраев, Р.Жумаев, М.Қуронов, М.Нурматова, Т.Ортиков ҳамда О.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил фаолият юритишга тайёрланаётган ўспирин-ўқувчиларнинг оила, ўзлари мансуб бўлган микро ва макромухит аъзолари билан толерант муносабатда бўлишлари, улар иштирокида кечаётган ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш орқали ўспиринлар онгига миллий қадриятларни сингдириш, уларда мустаҳкам маънавий-ахлоқий эътиқод ва атрофдагиларга, шу жумладан, турли миллат ва элат вакилларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, миллатлараро ўзаро ишонч ва ёрдамни қарор топтириш ўзига хос аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан О.Мусурмонова, Н.Ортиқов, С.Нишонова, Ж.Ҳасанбоев, У.Маҳкамов О.Ҳасанбоева, М.Қуронов, Қ.Шоназаров ва З.Қурбонниёзоваларнинг ишлари алоҳида педагогик қийматга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёт, бузғунчи диний ғояларнинг кириб келиши, айрим экстремистик кучларнинг жамият ҳаётини издан чиқаришга уринишлари ёшларнинг ислом дини ғоялари ва моҳияти тўғрисидаги билимларга эга эмасликлари туфайли ўзининг салбий натижаларини бера бошлади. Диний экстремистик кайфиятдаги оқим ва уюшмалар “ислом дини ғоялари ўзга динларга эътиқод қилувчи кишиларга нафратни илгари суради” қабилидаги тарғиботни олиб бордилар. Ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони Карим ҳамда ҳадисларда инсонлар ўртасида инсонпарварлик ва ўзаро ҳамжиҳатлилиқни қарор топтириш эзгу амаллардан бири эканлигига алоҳида урғу берилган. Англанидек, ислом дини манбалари ва уларда илгари сурилган ғоялар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш уларнинг толерантлик ҳамда диний бағрикенглик сифатига эга бўлишларини таъминлайди. Х.Кароматов, Н.Комилов, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, Н.Ортиқов, З.Ҳусниддинов ҳамда М.Пазиловалар томонидан ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони Карим ва ҳадисларнинг моҳияти ижтимоий-фалсафий ва педагогик нуқтаи назардан ўрганилган.

Узлуксиз таълим тизими таркибига кировчи муассасаларда ўқувчиларга “толерантлик” ва “диний бағрикенглик” тушунчаларининг моҳияти ҳақидаги билимларни бериш имкониятининг мавжудлиги; адабиёт таълимининг ўспиринлар маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш ҳамда уларда толерантликни тарбиялашдаги ҳиссий-психологик ролининг юқорилиги; айти вақтда улардан самарали фойдаланишга эътиборнинг қаратилмаётганлиги; қўшни мамлакатлар (айниқса, Россия Федератив Республикасида) ёшларда ўзга динга эътиқод қилувчиларга нисбатан нафрат кайфиятининг тобора кучайиб бораётганлиги, улар ўртасида шовинизм, неофашизм, варварлик ғояларининг кенг ёйилаётганлиги; бу каби ҳаракатларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳам пайдо бўлиш эҳтимолининг инкор этиб бўлмаслиги ўспиринларда толерантликни тарбиялаш муаммосининг янада долзарблашувига сабаб бўлмоқда. Шу боис **“Қасб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш (адабий таълим мисолида)”** муаммоси тадқиқот мавзуси этиб танланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Низомий номидаги ТДПУ “Умумий педагогика” кафедрасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларнинг толерантлик сифатларини тарбиялаш” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ёритиш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш мазмунини ёритиш;
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг дидактик ва тарбиявий имкониятларини очиб бериш;
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик омилларини аниқлаш;
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш моделини яратиш ва ўқувчиларнинг толерантлик сифатларига эгаликлари даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқиш.
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда янада юқори самарадорликка эришишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш жараёни

Тадқиқот предмети: адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, босқичлари, омиллари, самарали шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот методлари: муаммога оид фалсафий, психологик ва педагогик, шунингдек, ўқув фанлари имкониятлари ва мавжуд иш тажрибаларни ўрганиш; назарий-қийосий таҳлил; моделлаштириш; педагогик кузатиш; ижтимоий методлар (анкета сўрови, суҳбат, савол-жавоб, интервью); педагогик тажриба; математик-статистика.

Тадқиқот илмий фарази: агар:

- касб-хунар коллежларининг адабиёт таълими воситасида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд аҳволи холис баҳоланса,
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг устувор тамойиллари аниқланиб, мазмуни очиб берилса;
- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари дарслар ва дарсдан, таълим муассасасидан ташқари ташкил этиладиган маънавий маърифий ишлар асосида ўрганилса;

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг самарали йўллари, шакллари, методлари ва воситалари аниқланиб, методик таъминоти яратилса;

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда юқори натижаларга эришишни таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса, тадқиқот муаммосининг ечими топилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг мазмуни.

2. Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш модели.

3. Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик омиллари.

4. Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбияланганлик даражасини аниқловчи мезонлар.

5. Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда юқори самарадорликни қафолатловчи илмий-методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида мазкур жараённинг моҳияти очиқ берилди;

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга доир таянч тушунчаларга илмий-педагогик таъриф берилди;

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш модели яратилди ва ўқувчиларнинг толерантлик руҳида тарбияланганлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилди;

- адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид махсус методика яратилиб, жараёнда янада юқори натижаларни қафолатловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид таянч тушунчаларга илмий педагогик таърифнинг берилганлиги; адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид дастур ишлаб чиқилиб, унинг асосида махсус методиканинг шакллантирилганлиги; адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш имкониятини яратувчи дарслар ва дарсдан, таълим муассасасидан ташқари ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар лойиҳаларининг тайёрланганлиги билан белгиланади.

Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга қаратилган педагогик фаолиятнинг аниқ мақсадлар асосида ташкил этилиши ўспирин-ўқувчиларда атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради, жамоа бўлиб фаолият юритишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлишларига ёрдам беради. Олинган натижалар асосида фалсафий, педагогик ва бадий йўналишларда рисоалар яратиш имконияти юзага келади.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунлари ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, жамиятда толерантлик ғояларини қарор топишга оид давлат сиёсати мазмуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий, диний ва ирқий бағрикенглик ижтимоий тараққиётнинг муҳим негизларидан бири эканлиги тўғрисидаги ёндашувлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирликларнинг аҳоли ва ёшларнинг толерантлик хислатига эга бўлишларига эришишга доир меъёрий ҳужжатлари, муаммога доир фалсафий, тарихий, педагогик, психологик ва методик адабиётлар.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги: тадқиқот илмий, бадий, публицистик ва архив манбаларини илмий таҳлил этиш жараёнида олинган ва умумлаштирилган фактларга таянганлиги, тадқиқот усулларининг, тадқиқот мантиғи ва вазифаларига мослиги, касб-хунар коллежи ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг ҳозирги таълим-тарбия жараёнига кенг тадбиқ этилаётганлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги: тажриба-синов ишлари, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид махсус методика Тошкент шаҳар Яккасарой Енгил саноат коллежи, Самарқанд озиқ-овқат коллежи, Янгийўл технология иқтисодиёт коллежи ҳамда Қибрай агротижорат коллежи каби таълим муассасаларида амалга оширилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси): тадқиқот бўйича “Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим” журналлари ва илмий тўпламларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда Низомий номидаги ТДПУ (2005-2008 йиллар), Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎЗПФИТИ (2008 йил), Тошкент вилояти ХТХҚТМОИда ташкил этилган республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида ўқилган маърузалар, шунингдек, диссертация материаллари асосида касб-хунар коллежларида толерант гуруҳларини шакллантиришга мўлжалланган 4.0 б.т. ҳажмдаги методик қўлланма чоп этилиб амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация иши материаллари асосида “Касб-хунар коллежларида толерант гуруҳларни шакллантириш” номли методик қўлланма, илмий-методик журналлар, илмий

тўплам, халқаро журналлар ҳамда конференция материаллари тўпламларида 11 номда илмий методик мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: диссертация кириш, уч боб, етти параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби **“Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг назарий ва амалий асослари”** деб номланган бўлиб, боб таркибида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик моҳияти, касб-хунар коллежларида толерант гуруҳларни шакллантириш омиллари ҳамда амалий аҳволи таҳлил этилган.

Инсоният ижтимоий тараққиётининг муҳим босқичи, илм-фан, техника ва технологиянинг шиддатли ривожланиши даври бўлган XX аср ижтимоий муносабатлар мазмунининг чуқурлашуви ва зиддиятларга бойлиги билан ҳам тарих саҳифаларидан алоҳида ўрин эгаллади. Сўнгги юз йиллик давомида турли этник бирликка мансуб шахслар, айниқса, турли динларга эътиқод қилувчи миллатлар ва элатлар ўртасида келиб чиқаётган ўзаро келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар ҳамда уларнинг оқибатида содир бўлаётган қонли тўқнашувлар миллатлараро муносабатларнинг толерантлик ғоясига асосланишига эришиш заруриятини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Мавжуд адабиётларни ўрганиш “толерантлик” атамасининг мустақил тушунча сифатида XVIII асрдагина қўлланила бошланганлигини кўрсатди. Бироқ, “толерантлик” тушунчасининг истеъмолга киритилганлигига у қадар кўп бўлмаган бўлса-да, унинг муқобили сифатида қадим-қадимдан “яхшилик”, “эзгулик”, “атрофдагиларга оқибат кўрсатиш”, “яқинларига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш”, “ўзгаларнинг манфаатларини ёқлаш”, “халқ бахт-саодати учун курашиш” каби сифатлар улуғлаб келинган. Турли халқлар ижтимоий тафаккури негизида толерант ғояларнинг акс этганлигини бир қатор манбалардан англаш мумкин. Жумладан, мавжуд манбалар XVI-XVII асрларда жуда кўплаб Ғарб файласуфларининг асарларида кескин диний қарама-қаршиликлар, этник адоватларга қарши курашиш ғоясини ифодаловчи “тоқат қилинмайдиганларга тоқатли бўлиш” (“терпение нетерпимости”) бўлиш тамойили илгари сурилганлигини тасдиқлайди.

Диний адоватнинг энг ёрқин кўриниши бўлган фанатизмни кескин қораловчи ва халқлар ўртасида толерантлик ғояларининг кенг тарғиб қилувчи файласуфлардан бири Вольтер (тахаллуси, ҳақиқий исми Мари Франсуа Аруэ) бўлди. Вольтер ўзининг 1763 йилда яратилган “Диний бағрикенглик тўғрисидаги трактат” (“Трактат о веротерпимости”) асарида маълум бир диний таълимотни танқид қилмаган ҳолда бағрикенглик, атрофдагиларга нисбатан ғамхўр бўлиш турли этник ва диний келишмовчиликларнинг олдини олиш йўли эканлигини кўрсатиб беради.

1948 йилда “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларацияда эса диний эътиқоди, турмуш тарзи ва ҳаётий мақсадлари турлича бўлган халқлар ўртасида ўзаро тинч-тотув яшаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатловчи тинчлик, демократик ва инсонпарварлик ғоялари, етакчи тамойиллар баён этилди. Шунингдек, Декларацияда зўравонлик, уруш демократик ғояларнинг барбод этилиши ҳамда тоқатсизлик, бағрикенг бўлмасликнинг оқибатлари дея баҳоланди.


Мавжуд манбалар асосида “толерант” тушунчаси моҳиятини ёритиш толерантлик негизида қуйидаги сифатлар акс этади деган хулосага келиш имконини беради (1-расм).



1-расм. Толерантлик хислатига эгаликнинг муҳим кўринишлари

Айни ўринда толерантликнинг интолерантликка қарши туришини айтиб ўтиш лозим. Бу ўринда савол туғилади. Интолерантлик нима?

Интолерантлик шахсни инкор этиш, қабул қилмаслик, унинг ташқи қиёфаси, турмуш тарзи, хулқ-атвори, ўй-фикрлари, ҳаётий мақсад ва интилишларига тоқат қила олмаслик бўлиб, у ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилиниши, шаъни ва ор-номусининг ерга урилиши ҳамда ижтимоий камситилишига олиб келади. Толерантлик негизида туркум ижобий сифатлар акс этганидек, интолерантлик ҳам бир гуруҳ иллатлар йиғиндиси ҳисобланади (2-расм):



2-расм. Интолерантликнинг муҳим кўринишлари

Адабий таълим жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда қуйидаги аниқ вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчиларда “толерантлик” тушунчасининг мазмун-моҳияти, толерантлик негизида акс этувчи сифатлар, интолерантлик, унинг элементлари тўғрисидаги назарий билимларни шакллантириш ва изчил ривожлантириб бориш.

2. Ўспиринларда тинчликсеварлик, бошқаларни қабул қилиш ва тушуниш, улар билан биргаликда фаолият кўрсатиш (турли кўринишдаги зўравонлик ва агрессияга қарши салбий муносабат, ўзига ва ўзгаларга, шунингдек, уларнинг маданиятига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, миллатлараро ва турли диний эътиқодлар ўртасида ўзаро бирликка асосланган ҳаракатларни ташкил этиш лаёқати, мансублигидан қатъий назар ижтимоий гуруҳлар вакиллари билан ўзаро ҳаракат қилиш ва толерант мулоқотда бўлиш, толерантлик чегараларини аниқлай олиш) кўникмаларини шакллантириш ҳамда мунтазам равишда ривожлантириб бориш.

3. Жамият ва таълим тизимида толерантлик муҳити (жамиятда терроризм, экстремизм ва агрессиянинг олдини олиш йўлида чоратадбирларни белгилаш (профилактика), катталар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг инсонпарвар ва демократик ғояларга асосланиши ҳамда шахсда толерантлик хислатини тарбиялаш борасидаги етакчи педагогик ғояларни таълим тизимини ислоҳ қилиш мазмунида акс этишига эришиш, бўлажак ўқитувчиларни ўсмирлар ва ўспиринларда толерантлик хислатини тарбиялаш тизимини ислоҳ қилиш)ни яратиш.

Адабий таълим жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш бир қадар мураккаб жараён саналади. Бинобарин, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган бадиий асарлар улар томонидан турлича тушунилади. Бадиий образлар, айниқса, асар қаҳрамонларининг портрети, шахс сифатидаги “мен”лиги ўқувчилар томонидан турлича тушунилади ва талқин этилади. Қолаверса, адабий жараёнда турли индивидуал хусусиятларга эга ўқувчилар бир-бирларининг ўрганилаётган бадиий асарлар бўйича фикр-мулоҳазалари, шахсий ёндашувларини турлича қабул қиладилар, тушунадилар. Бироқ, ўқувчилар ўртасида асар юзасидан ташкил этилаётган баҳс-мунозара вақтида фаол мулоқотнинг юзага келиши, шунингдек, мулоҳазаларнинг бир-бирига мос келиши ҳам улар ўртасида ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлилиқ, ишончни қарор топтиради. Бунинг натижасида гуруҳда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ўзаро ёрдам кўрсатишга асосланган муносабат таркиб топтиради.

Назарий таҳлил, касб-ҳунар коллежларида адабиёт фанининг ўқитиш хусусиятларини ўрганиш натижаларига таяниб айтиш мумкинки, адабий таълим жараёнида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият қуйидаги тамойилларга мувофиқ олиб борилади: 1. Тизимлилиқ ва яхлитлик. 2. Таълимни индивидуаллаштириш. 3. Ўқувчиларни ижодкорлик ва яратувчанликка ундаш. 4. Фанлараро алоқадорлик. 5. Технологик ёндашув. 6. Таълим ва тарбия бирлиги. 7. Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги.

Адабий таълим жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда фан ўқитувчисининг машғулотларни ташкил этишга бўлган муносабати, ўқувчилар билан ҳамкорликка эришиш маҳорати, толерантлик ғояларини ёритувчи бадиий асарларни танлай билиш қобилияти, дарс, мактаб ва таълим муассасасидан ташқари шароитларда

толерантлик мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишдаги ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ўқувчиларда бадиий асарлар таъсирида толерантлик сифатларини шакллантириш ишларининг босқичма-босқич, изчил олиб бориш тажрибасига эгалиги муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд педагогик ва психологик манбалар билан танишиш натижаси адабиёт воситасида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг самарали босқичларини белгилаш имкониятини кўрсатди (3-расм).



1.3-расм. Адабий таълим жараёнида КХК ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга қаратилган педагогик фаолият босқичлари

Тадқиқотни олиб боришда адабий таълимнинг касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуруҳларнинг толерантлиги аъзоларнинг ўзларида толерантлик хислатини намоён эта олишлари, бир-бирларига нисбатан самимий, дўстона муносабатда бўлишлари билан белгиланади. Шу сабабли асословчи тажриба даврида гуруҳ аъзоларининг толерант хислатига эгаликларини аниқлашга ҳам эътибор қаратилиб, ана шу мақсадда улар ўртасида анкета сўрови ташкил этилди. Дастлабки тажриба даврида таълим муассасаларининг раҳбарлари, фан ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарлари ҳамда ота-оналар иштирокида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида толерантлик хислатини тарбиялаш ва толерант гуруҳни шакллантириш борасидаги камчиликлар аниқланди. Муаммога оид изланишлар натижаси қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди: 1) миллий менталитет хусусиятларини инобатга олган ҳолда толерантлик тарбиясини ташкил этишга доир манбаларнинг етарли эмаслиги ва мавжуд эҳтиёжларни тўла қондира олмаслиги; 2) таълим муассасалари, хусусан, касб-хунар коллежларида толерантлик тарбиясини ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмаётганлиги; 3) таълим, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ўқувчилар ўртасида толерант ғояларни тарғиб этиш борасидаги имкониятларидан самарали фойдаланилмаслик; 4) таълим муассасалари гуруҳ раҳбарларининг толерант гуруҳларни шакллантиришда алоҳида фаоллик ва ташаббус кўрсатмасликлари; 5) ўқувчилар ўртасида толерантлик ғоясини тарғиб этиш ва толерант гуруҳни шакллантиришга оид методик ишланмаларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги.

Асословчи тажриба даврида мазкур ҳолатни бартараф этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш омиллари”** деб номланувчи иккинчи бобида эса “Адабиёт” дарсларининг ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашдаги педагогик имкониятлари ўрганилган. Адабиёт фани бўйича дарсдан ва мактабдан ташқари маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялаш ҳамда адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда фанлараро алоқадорликнинг роли очиқ берилган.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда адабий таълим жараёни ўзига хос ўрин тутди. Зеро, бу жараёнда толерант ғояларни тарғиб этувчи бадиий адабиётлар ёрдамида ўқувчиларга шахслараро ва миллатлараро муносабатларнинг моҳияти, уларнинг инсонпарварлик ва демократик ғояларга асосланишининг миллий-ижтимоий аҳамияти, жамият тараққиёти ва истиқболини таъминлашдаги роли, шахснинг ҳар томонлама эркин, мустақил ривожланишидаги ўрни тўғрисидаги назарий маълумотларни бериш, уларда толерантлик ва интолерантлик сифатлари ҳақида муайян тасаввурларни ҳосил қилиш орқали ўзгаларни қабул қилиш, шахслараро муносабатларни самимий ташкил этиш, тинчлик, эркинлик, озодлик, биродамлик, биродарлик, инсонпарварлик,

байналмилаллик, бағрикенглик, ҳар бир шахсга олий қадрият сифатида ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Шу жиҳатдан адабий таълим ўқувчиларда толерантлик хислатини тарбиялашда етакчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялаш мақсадида адабий таълим жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир: толерант ғояларни тарғиб этадиган бадиий адабиётларни танлаш, уларнинг тарбиявий имкониятларини ўрганиш; “Адабиёт” дарсларида ушбу адабиётлардан ўринли фойдаланган ҳолда ўқувчиларда толерантлик, интолерантликка бўлган ижобий ва салбий муносабатларни шакллантириш; адабий таълим жараёнида фанлараро алоқадорлик, боғлиқликдан самарали фойдаланиш, бунда айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан мақсадли фойдаланиш; бадиий асарларда ёритилган ижтимоий воқеликлар ва ҳаётий мисоллар, бадиий образлар, таъсирчан сюжетлар асосида ўқувчиларга: ўзгаларни қабул қилиш, тушуниш, ҳурмат қилиш, атрофдагиларга ёрдам кўрсатиш, кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш, турли миллат, элатлар, хатто, бир юрт, бир ўлка, бир шаҳар (қишлоқ), бир маҳалла, бир оилада яшаётган кишилар ўртасида ўзаро аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатликка эришиш, шахслараро муносабатларда самимий, кечиримли бўлиш, ўзгалар шаънини ҳимоя қилишнинг аҳамиятини англатиш; келишувчанлик, очиқлик, олийжаноблик, бағрикенглик, биродарлик, манфаатларини устун қўйиш, адолатли бўлиш, байналмилаллик, дўстлик, бирдамлик ҳам эзгуликларни исташ каби ҳолатларнинг турли халқлар, миллатлар ва элатлар ўртасида тинчлик-тотувликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорликка эришиш, ягона мақсад – инсониятнинг ёрқин истиқболи учун биргаликда курашиш ҳамда Ер шарини турли хавф (экологик ҳалокат, турли юқумли касалликлар эпидемияси, куролланиш пойгаси, ахлоқсизлик)дан сақлашдаги ўрнини тушунтириш.

Олиб борилган тажриба-синов ишлари адабий таълим жараёнида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашда дастлаб уларнинг бу борадаги имкониятларини ўрганиш талаб этилишини кўрсатди. Бу жараёнда “Адабиёт” фани ўқитувчилари томонидан қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди: 1) бадиий асарларнинг мазмунини таҳлил қилиш орқали уларда толерантлик ғоялари акс этганлигини аниқлаш; 2) асар қаҳрамонларининг ички кечинмалари, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлувчи толерантлик кўринишларини таснифлаш; 3) бадиий асарларда ифодаланган толерантлик ғояларининг ўқувчиларда айнан қандай сифатларни тарбиялаши мумкинлигини баҳолаш; 4) толерантлик ғояларини ўзида мужассам этган асарлар мазмуни билан ўқувчиларни яқиндан таништиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларни аниқлаш.

Касб-ҳунар коллежларида “Адабиёт” фанлари бўйича ташкил этиладиган дарслар жараёнини кузатиш, ўзида толерантлик ғояларини ифодаловчи бадиий асарларнинг имкониятларини ўрганиш таълим жараёнининг маъруза, семинар, конференция, суҳбат, давра суҳбати,

учрашув каби шаклларда ташкил этиш самарали бўлишини кўрсатди. Маъруза ва семинар шаклида ташкил этиладиган дарсларда ўқувчилар толерантлик ғояларини тарғиб этадиган бадиий асарлар, ёзма манбалар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўладилар, улар ёрдамида толерантликнинг моҳиятини чуқур ўзлаштирадилар. Конференция дарсларининг самарали ташкил этилишида ўқитувчи маълум жиҳатларга эътиборини қаратиши лозим. Булар: ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялаш имкониятига эга бадиий асарларни танлай билиш; асарда бевосита толерантлик ғояси ифодаланган ўринларни аниқлаш; ўқувчилар онгига бадиий асарда ёритилган сюжетлар орқали толерантлик ғояларини самарали сингдириш йўллари хамда дарсни ташкил этиш шаклини белгилаш; дарс самарадорлигини таъминлайдиган метод ва воситаларни аниқлаш ва дарсда улардан фойдаланиш имкониятларини чамалаш; ўқувчиларга бериладиган топшириқлар мазмунини (асардан парчалар ёд олиш, ўрганилаётган бадиий асар тўғрисида маълумот берувчи маърузалар, рефератлар тайёрлаш) ойдинлаштириб олиш, топшириқларни ишлаб чиқиш; ўқувчиларни ташкилий жараён (дарс ташкил этиладиган хонани ўрганилаётган бадиий асар ғояси, сюжетларига мос ҳолда безатиш, асар тўғрисида маълумот берувчи манбалар (жумладан, ёзувчининг ҳаёти ва фаолиятига оид плакатлар, унинг асарларини акс эттирувчи стендлар, биографик характерга эга китоблари, мақолалари)дан иборат кўргазмани ташкил этишга фаол жалб қилиш.

Муайян асарнинг шахслар ўртасида толерантлик ғояларини тарғиб этишдаги аҳамияти, ўрни ва ролини кўрсатишда “Адабиёт” фани ўқитувчилари аниқ далилларга таяниб иш кўришлари, зарур ўринларда бадиий асар матнига мурожаат қилишлари, матнни айнан ўқиб беришлари, қаҳрамонларнинг толерантликни акс эттирувчи ҳолатини жонли, ҳис-ҳаяжон билан тасвирлай олишлари ўқувчиларда уларга нисбатан муносабатнинг шаклланишини таъминлайди.

Ўқувчиларни толерантлик ғояларини ифода этувчи асарлар билан таништиришда ва асарда ифодаланган толерантлик ғоялари ва толерантликни ўзларининг ички кечинмалари, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида намоён эта олган бадиий қаҳрамон тўғрисида маълумотлар беришда ўқитувчининг вақти-вақти билан ўқувчиларга саволлар асосида мурожаат қилишлари, уларнинг фикрларини ўрганилаётган муаммога тортибгина қолмай, балки уларда таълимий фаолликни ҳам юзага келтиради.

Дарсдан ва мактабдан ташқари шароитларда ташкил этилувчи маънавий-маърифий ишлар ҳам ўқувчилар ўртасида толерантлик ғояларини тарғиб этиш, уларни толерантлик руҳида тарбиялашда катта педагогик имкониятларга эга. Тажриба-синов ишларини олиб боришда ана шу имкониятдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, маънавий-маърифий ишлар режаси ишлаб чиқилди. Ўқувчилар ўртасида толерант ғояларни тарғиб этиш ва гуруҳларда толерант ғояларнинг устувор ўрин тутишига эришишга доир маънавий-маърифий ишлар режасидан қуйидаги мавзулардаги тадбирлар ўрин эгаллади: “Бадиий асарларда толерантлик ғоясининг ифодаланиши” (маъруза), “Толерантлик сифатларига эга бадиий

қахрамонлар сиймоси” (давра суҳбати), “Қадимги ёзма манбаларда толерантлик ғояларининг ёритилиши” (семинар), “Авесто” асарининг толерант шахсни тарбиялашдаги роли” (баҳс-мунозара), “Ҳадисларда ифодаланган толерантлик ғоялари” (реферат тайёрлаш), “Толерантлик сифатларига эга адабий қахрамон – менинг идеалим” (амалий тренинг), “Муҳаммад Юсуф асарларида толерантлик ғояларининг ёритилиши” (конференция), “Бадиий асарлар ва толерант жамият” (ижодий ишлар кўргазмаси) ҳамда “Толерантлик ғояларини ёритувчи энг яхши бадиий асар” (ёзма ишлар танлови).

Тадқиқотни олиб бориш чоғида дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари шароитларда бадиий асарлар воситасида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг самарали шакллари аниқлашга эътибор қаратилди. Назарий таҳлил, “Адабиёт” фанининг ўқитувчилари билан ташкил этилган суҳбатлар, ўқувчилар фаолиятини кузатиш асосида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда қуйидаги шаклларнинг самарали эканлиги аниқланди: кўрик-танлов, маъруза, семинар, баҳс-мунозара, беллашув, учрашув, экскурсия.

Тажриба-синов ишлари даврида маънавий-маърифий ишларнинг ҳам аниқ мақсад ва муайян лойиҳа асосида ташкил этилиши назарда тутилди. Шу боис гуруҳлар раҳбарларининг фаолиятида қўл келувчи ишланмалар тайёрланиб, улар ёрдамида гуруҳдан ва мактабдан ташқари тадбирлар уюштирилди.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда таълим жараёнининг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда қуйидагича ёндашиш педагогик нуқтаи назардан тўғри саналади: 1) муайян, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқувчилар ўртасида толерант қарашларни тарғиб қилиш орқали уларни толерантлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, толерант гуруҳларни шакллантиришдаги имкониятларини (масалан, “Маънавият асослари”, “Ўзбекистон тарихи”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Ўзбек адабиёти” каби фанлари бўйича тавсия этилган ўқув дарсликлари ва қўлланмалари мундарижасидан ўрин олган мавзуларни ўрганишда уларнинг толерант гуруҳларни шакллантиришдаги ҳиссасини таҳлил этиш) ўрганиш ва баҳолаш; 2) фанлараро ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик асосида таълим муассасаларида толерант гуруҳларни шакллантириш; 3) ўқув фанларининг ўқувчилар ўртасида толерантлик ғояларини тарғиб этиш ҳамда толерант гуруҳларни шакллантиришдаги имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда гуруҳдан ва мактабдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг **“Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид методика ва унинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг методик таъминоти ҳамда тадқиқот натижаларининг қиёсий ва математик-статистик таҳлили ёритилган.

Тажриба-синов ишларини ўтказишдан кўзланган мақсад касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга имкон берувчи шарт-шароитни яратиш ва улардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини белгилашдан иборат бўлди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди: 1) касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга имкон берувчи шарт-шароитлар мавжудлигини дастлабки ўрганиш орқали аниқлаш; 2) мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш; 3) касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид махсус методикани яратиш ҳамда таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар – гуруҳ раҳбарлари ҳамда фан ўқитувчиларини толерант гуруҳларни шакллантиришга доир назарий ишланмалар билан қуроллантириш; 4) махсус методиканинг самарадорлигини тажриба воситада ўрганиш ва баҳолаш; 5) уч босқичли тажриба-синов ишларини умумлаштириш асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Уч босқичдан иборат тажриба ишига бир гуруҳ методист фан ўқитувчилари ёрдамчи сифатида жалб қилиндилар ва тажриба-синов ишлари уларнинг бевосита ёрдамлари билан ташкил этилди. Методист ўқитувчилар муайян кўрсаткичларга мувофиқ тажриба-синов ишларига жалб этилдилар. Шакллантирувчи тажриба даврида ҳам касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг толерантлик руҳида тарбияланганлик даражасини баҳолашга нисбатан респондент-ўқувчиларнинг ёндашувлари ҳам ўрганилди. Ана шу мақсадда улар ўртасида анкета сўрови ташкил этилди. Респондент-ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган анкета сўрови икки вариантдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири 12 тадан саволни ўз ичига олди. Респондент-ўқувчиларнинг толерант гуруҳ ҳамда шахс борасидаги назарий тушунчаларининг динамик ўзгаришини кузатиш мақсадида анкета сўрови икки марта, яъни асословчи ва таъкидовчи тажрибалар даврида ўтказилди.

Шакллантирувчи тажриба даврида эса индивидуал суҳбат, давра суҳбати ва савол-жавоблар асосида муайян гуруҳлар ўқувчиларининг толерантлик хислатига эгаликлари аниқланди. Ушбу жараёнда ҳам ҳар бир ўқувчи ва умумий ҳолда гуруҳнинг толерантлигини ўрганишга эътибор қаратилди.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид тажриба-синов ишлари Миробод маиший хизмат коллежи, Юнусобод ахборот технологиялари коллежи, Тошкент педагогика коллежи ҳамда Тошкент тиббиёт коллежиларида ташкил этилди ва уларда жами 254 нафар ўқувчи иштирок этди. Жами респондент-ўқувчилар тасодифий танлов асосида тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Ўқувчиларнинг сони тажриба гуруҳида 123 нафарни, назорат гуруҳида эса 131 нафарни ташкил этди. Тажриба гуруҳида толерант гуруҳни шакллантиришга доир махсус методика қўлланилган бўлса, назорат гуруҳида эса одатдаги тартибда иш кўрилди.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида мавжуд назарий қарашлар ва касб-хунар коллежларида ўқувчилар жамоаси фаолиятини бевосита кузатиш асосида гуруҳнинг толерантлик ғояларига эга эканлиги қуйидаги **мезонлар** бўйича аниқланди:

1) гуруҳ аъзоларининг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи, ирқи, миллати, жинси, диний эътиқодлари, муайян гуруҳга мансублигидан катъий назар таълим олишда тенг ҳуқуққа эгаликлари;

2) гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига нисбатан толерант (бир-бирини қабул қилиш, бир-бирларини тушуниш, ёрдам кўрсатиш ва бир-бирларини қўллаб-қувватлаш асосида ўзаро ҳурмат билан) муносабатда бўлишлари;

3) гуруҳ аъзоларининг жамоа ижтимоий фаолиятида эркин ва тенг ҳуқуққа эгалик асосида иштирок этишлари;


4) гуруҳ муаммоларининг биргаликда, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликда ҳал этилиши;

5) гуруҳ ҳаёти ва фаолиятида интолерант ғоялар (жумладан, айрим ўқувчиларни умумий муносабатларда ажратиш, камситиш, ҳақоратлаш, таъзиқ ўтказиш, нафратланиш, тоқат қила олмаслик, шаънини топташ, обрўсини тушириш, ҳурмат қилмаслик, ёрдам кўрсатмаслик; ишонч билдирмаслик; адоватли бўлиш; ноаҳиллик, қўллаб-қувватламаслик; душманлик; обрўсини тўкиш; ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш; манфаатларини паст қўйиш; адолатсизлик; ҳамдард бўлмаслик; унга нисбатан зўрлик ва зўравонлик кўрсатиш; маҳаллийчилик ёки миллатчилик қилиш, бузғунчи ғояларни ёқлаш каби ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар)нинг акс этмаслиги.


Мазкур мезонлар бўйича респондент-ўқувчиларнинг толерантлик руҳида тарбияланганликлари ўз навбатида юқори, ўрта ва паст даража тарзида гуруҳланди.

Кенг кўламда ташкил этилган тажриба-синов ишлари натижасида тажриба гуруҳларида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг толерантлик хислатига эгаликлари ва уларни амалий фаолиятда намоён эта олишлари борасида асословчи тажриба даврида қўлга киритилган натижалар кескин ўзгарди.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг толерантлик, толерант сифатлар ва толерант гуруҳ борасидаги назарий билимлари ҳамда толерантлик хислатига эгаликлари ва бу ҳолатни амалий фаолиятларида намоён эта олишларини ифодаловчи кўрсаткичлар асословчи ва таъкидловчи тажриба натижаларига кўра солиштирилганда бу борадаги фарқ янада яққол намоён бўлади (4- ва 5-расм):



4-расм. Респондент-ўқувчиларнинг толерантлик, толерант сифатлар ва толерант гуруҳ борасидаги назарий билимлари даражаси (таъкидловчи тажриба)



5-расм. Респондент-ўқувчиларнинг толерантлик хислатларига эгаллиги даражаси (таъкидловчи тажриба)

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида махсус методиканинг самарадорлиги математик-статистик таҳлил асосида қайта таҳлил этилди. Ана шу мақсадда Стюдент методидан фойдаланилиб, $(\chi - m_T) - (\gamma - m_H) = \chi - \gamma$ тушиши лозим бўлган ишончлилик оралиғи қуйидаги формула асосида топилди:

$$-t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}} < X - Y < t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}}$$

Статистик таҳлил асосида қуйидаги натижалар қўлга киритилди (2-жадвал).

1-жадвал

Статистик таҳлил натижалари

Математик ҳолатлар				
Ўртача қиймат	Ўртача квадрат қиймати	Ўртача квадрат қиймати	Дисперсия	Микдор
Тажриба гуруҳи респондент-ўқувчилари сони - $n_1 = 123$ нафар				
χ	$(\chi)^2$	$(\chi)^2$	S_T^2	S_T^2/n
4,18	17,47	17,90	0,43	0,003
Назорат гуруҳи респондент-ўқувчилари сони - $n_1 = 131$ нафар				
γ	$(\gamma)^2$	$(\gamma)^2$	S_H^2	S_H^2/n
3,57	12,76	13,36	0,62	0,004
Тажриба ва назорат гуруҳлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ				
$\chi - \gamma = 0,43 - 0,62 = -0,19$				

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижалари тажриба гуруҳи респондент-ўқувчиларининг толерантлик хислатига эгаликлари даражасининг ортганлигини тасдиқлади. Бу ҳолат, ўз навбатида, махсус методика асосида олиб борилган амалий фаолият самарадорлигининг юқори эканлигидан далолат беради.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Сўнгги юз йилликда турли этник бирликка мансуб шахслар, айниқса, турли динларга эътиқод қилувчи миллат ва элатлар ўртасидаги этник ва диний адоватнинг авж олиши миллатлараро муносабатларда толерантлик ғояларининг устуворлигини таъминлашни тақозо этмоқда.

2. Олиб борилган тадқиқот таълим муассасалари, шу жумладан, касб-хунар коллежларида толерантлик тарбиясини самарали ташкил этиш йўлида катта имкониятларга эгалиklarини тасдиқлади.

3. Назарий ўрганиш ўспирин-ўқувчиларнинг толерантлик хислатига эга бўлишлари гуруҳлар ўқувчилари ўртасида толерант муносабатни шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатса, ўз навбатида толерант гуруҳлар уларнинг эркин ҳамда тенг ҳуқуққа эгалик асосида таълим олишлари ва бунинг натижасида мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёrlанишларининг муҳим омили эканлигини кўрсатди.

4. Дастлабки тажриба даврида ўспирин-ўқувчиларнинг толерантлик руҳида тарбияланганликлари борасида паст кўрсаткичларнинг қайд этилганлиги, асосий босқични технологик ёндашув асосида методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

5. Касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг толерантлик хислатига эга бўлишлари, толерант гуруҳга бирлашишларида алоҳида ўрин тутувчи таълим, шунингдек, гуруҳдан ва мактабдан ташқари тадбирларнинг технологик ёндашув асосида ташкил этилиши кутилган мақсадни қўлга киритиш ҳамда юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

6. Олиб борилган тадқиқот касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда гуруҳ раҳбарларининг етакчилик қилишлари ва алоҳида фаоллик кўрсатишлари муҳим эканлигини тасдиқлади. Зеро, ўзига хос педагогик имконият ва таъсир кучига эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар аксарият ҳолларда уларнинг ташаббуслари билан ташкил этилиб, фаоллик кўрсатишлари сабабли самарали якунланади.

7. Гуруҳларда ўтказиладиган маънавий соатлари ҳам ўқувчиларни бир-бирларига яқинлаштириш, улар ўртасида дўстликни юзага келтириш, ўзаро ёрдам ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатларни қарор топтириш орқали толерант гуруҳларни шакллантиришда ўзига хос педагогик таъсирга эга.

8. Касб-хунар коллежларидаги мавжуд педагогик имкониятлардан самарали фойдаланиш эса кутилган натижаларни қўлга киритишда янада самарали саналади.

Юқоридаги хулосалар асосида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашга оид қуйидаги **тавсиялар** берилди:

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашда таълим муассасалари, оила ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

2. Республика миқёсида таълим муассасаларида таълим олувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашга оид илғор тажрибаларни тўплаш ва умумлаштириш чора-тадбирларини белгилаш.

3. Мазкур таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялашга оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш.

4. Барча турдаги таълим муассасаларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда толерантлик тарбиясини ташкил этиш тизимини яратиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акбарова Ш. Толерантлик тушунчасининг ижтимоий-педагогик моҳияти // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 7-8.

2. Акбарова Ш. Касб-хунар коллежи ўқувчиларида толерантлик хислатларини тарбиялаш // Кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда конституциянинг ҳуқуқий кафолати. Илмий-услубий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2009. – Б.148-149.

3. Акбарова Ш. Ўспиринларни толерантлик руҳида тарбиялашда педагогик технологиялардан фойдаланиш. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим ва тарбия: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қўқон, 2009. – Б. 99-101.

4. Акбарова Ш. Толерантлик ва диний бағрикенглик ғоялари // Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий муаммолари. Республика илмий-услубий конференция материаллари. – Самарқанд, 2009. – Б. 8-10.

5. Акбарова Ш. Адабий таълим жараёнида толерантлик хислатларини шакллантиришнинг айрим масалалари (касб-хунар коллежлари мисолида) // Педагогик таълим. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 10-14.

6. Акбарова Ш. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2009. – №3. – Б.31.

7. Акбарова Ш. Ўқувчиларда толерантликни тарбиялашда бадиий асарларнинг имкониятларидан фойдаланиш // Халқ таълими. – Тошкент, 2009. – №4. – Б. 117-121.

8. Акбарова Ш. Касб-хунар коллежларида толерант гуруҳларни шакллантириш. / Методик қўлланма. – Тошкент: Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi, 2009. – 59 б.

9. Акбарова Ш. Использование педагогических технологий в воспитании толерантности у учащихся профессиональных колледжей Республики Узбекистан // Молодой учёный. – Чита, 2010. 7 (18). – С. 242-244

10. Акбарова Ш. Толерантлик гуруҳларини шакллантиришда адабий дарсларнинг аҳамияти. // ЎЗР ФА Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.- Тошкент, 2011. - №1-2. - Б. 127-129.

11. Акбарова Ш. Воспитание учащихся в духе толерантности в процессе обучения. // Педагогические науки. – Москва, 2011. №4. - С. 47-50.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Акбарова Шахноза Гайратовнанинг 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “**Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш (адабий таълим мисолида)**” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: толерантлик, интолерантлик, толерант гуруҳ, бир-бирини қабул қилиш, бир-бирини ёқтириш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиш, байналмилаллик, диний бағрикенглик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, педагогик технология, ижтимоий субъект.

Тадқиқот мақсади: адабий таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ёритиш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш жараёни.

Тадқиқот методлари: муаммога оид фалсафий, психологик ва педагогик, шунингдек, ўқув фанлари имкониятлари ва мавжуд иш тажрибаларини ўрганиш; назарий-қиёсий таҳлил; моделлаштириш; педагогик кузатиш; ижтимоий методлар (анкета сўрови, суҳбат, савол-жавоб, интервью); педагогик тажриба; математик-статистика.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: таянч тушунчалар моҳияти педагогик нуқтаи назардан ёритилиб, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик ва психологик жиҳатлари очиқ берилди; касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялаш жараёнининг модели ҳамда толерантлик руҳида тарбияланганлик даражасини аниқловчи мезонлар, юқори натижаларни кафолатловчи илмий тавсиялар ишлаб чиқилди ва бу борада махсус методика яратилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотни олиб бориш жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини толерантлик руҳида тарбиялашга оид махсус методиканинг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарс ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ишланмаларининг тайёрланганлиги касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни методик манбалар билан қуроллантиради, таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёнини мазмунан бойитиб, самарадорлигини оширади. Олинган натижалар асосида фалсафий, педагогик йўналишларда рисоалар яратиш имконияти юзага келади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: ишнинг етакчи назарий ғоялари, тавсия этилган илмий-методик тавсиялар ва олинган амалий натижалар асосида илмий фаразнинг тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Қўлланиш соҳаси: ўрта махсус, касб-хунар таълими, дарслик муаллифлари фаолияти, касб-хунар коллежи ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида кенг фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Акбаровой Шахнозы Гайратовны **“Воспитание учащихся профессиональных колледжей в духе толерантности (на примере обучения литературы)”** на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Теория и история педагогика

Ключевые слова: толерантность, толерантная группа, восприятие друг-друга; взаимная симпатия; взаимопонимание; взаимопомощь, межнациональное согласие, религиозная терпимость; взаимоподдержка.

Цель исследования: освещение педагогических возможностей воспитания учащихся профессиональных колледжей в духе толерантности в процессе обучения литературе, разработка научно-методических рекомендаций.

Объект исследования: процесс воспитания учащихся профессиональных колледжей в духе толерантности.

Методы исследования: изучение философской, психологической, педагогической литературы и имеющегося опыта работы в аспекте проблемы сравнительно-теоретический анализ, моделирование, педагогические наблюдения, социологические методы (анкетирование, беседа, интервью), педагогический опыт, математическая статистика.

Полученные результаты и их новизна: раскрыта сущность ключевых понятий в педагогическом аспекте; охарактеризованы социально-педагогические и психологические стороны воспитания учащихся профессиональных колледжей в духе толерантности; разработаны модель процесса воспитания учащихся в духе толерантности и критерии определения уровня воспитанности учащихся профессиональных колледжей в исследуемом направлении; создана специальная методика и разработаны научно-методические рекомендации, способствующие достижению высоких результатов.

Практическая значимость: в процессе исследования разработана специальная методика воспитания учащихся профессиональных колледжей в духе толерантности, подготовлены разработки духовно-просветительских мероприятий на основе общественно-гуманитарных предметов; преподаватели профессиональных колледжей обеспечены методическими пособиями; дополнено и обогащено содержание обучения и духовно-просветительских работ, повышена их эффективность. Полученные результаты могут быть использованы при создании пособий философского, педагогического и художественного направления.

Степень внедрения и экономическая эффективность: на основе выдвинутых теоретических идей исследования, разработанных и апробированных научно-методических рекомендаций и полученных практических результатов подтверждена научная гипотеза.

Область применения: среднее специальное и профессиональное образование.

RESUME

Thesis of Akbarova Shakhnoza Gayratovna on the scientific degree competition of the doctor of (philosophy) in pedagogical sciences on specialty 13.00.01 –pedagogics and history of education subject **“Upbringing of professional colleges’ students in the spirit of tolerance (on the example of teaching literature)”**

Key words: tolerance, tolerant group, perception of each other, mutual sympathy, mutual understanding, mutual aid, international agreement, religious tolerance, mutual support.

Purpose of work: Releaving of pedagogical skills of educating students of professional colleges in the spirit of tolerance at the process of teaching literature, working out scientific-methodical recommendations.

Subjects of research: the process of upbringing of professional colleges’ students in the spirit of tolerance.

Methods of research: studying of philosophic, psychological, pedagogical literature and existing experience of work referring problem of research, comparative-theoretical analysis, modeling, pedagogical observations, sociological methods (questionnaire, interview), pedagogical experience, mathematical statistics.

The results obtained and their novelty: the essence of key notions in the pedagogical aspect has been revealed; social-pedagogical and psychological sides of upbringing of professional colleges’ students in the spirit of tolerance have been characterized; the model of the process of upbringing of professional colleges’ students in the spirit of tolerance and criteria of determining of upbringing of professional colleges’ students in the field of research have been worked out; special methodology and scientific-methodical recommendations ensuring the achievement of the best results have been developed.

Practical value: in the process of research special methodology of upbringing of professional colleges’ students in the spirit of tolerance has been worked out, working outs of spiritual-humanitarian activities on the basis of social-humanitarian subjects have been prepared; professional colleges’ teachers have been equipped with methodical appliances; teaching contents and spiritual works have been completed and enriched, their efficiency has been enhanced. Received results can be used in developing appliances on philosophy, pedagogics and art.

Degree of embed and economic effectivity: on the basis of given theoretical ideas of research, worked out and approved scientific-methodical recommendations and achieved practical results scientific hypothesis has been approved.

Field of application: average special and vocational training.